

ИНГЛИЗ ТИЛИ ГАП ТАРКИБИДА КВАЛИФИКАТИВ ПОССЕСИВ СИНТАКСЕМА ВАРИАНТЛАРИ

Парвина Илхомовна Хотамова

СамДЧТИ “Инглиз филологияси” ассистент ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Инглиз тили мисолида поссессив синтаксема асосан категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан квалификатив ва субстанциал синтаксемалар доирасида таҳлил қилиш мумкин. Мазкур мақолода категориал белгилардан квалификативлик доирасида поссессив синтаксеманинг парадигматик қаторини аниқлашга тўхталиб ўтамыз.

Маълумки, кваликативлик - нарсa, предметлар белгисини, миқдорини, ҳажмини, рангини, тусини, сифатини ифодаловчи лексик бирликлар орқали аниқланиши мумкин.

Умуман инглиз тилида поссессив синтаксема ёки эгалик категорияни ифодаланиши ҳамда унинг вариантлари кўйидаги моделлар базасида берилади. $от+от$ (S+S), қаратқич келишигидаги $от+от$ бош келишиқда [Sg + S], $от+$ предлог of билан келган $от$ [S + of S] кабилар асосида ифодаланиши мумкин. Ушбу ҳолатни исботлашда трансформациянинг турлича усулларидан фойдаланиб уларнинг вариантларини бир биридан фарқлаш мумкин. Квалификативлик доирасида поссессив синтаксемани аниқлашда эгалик категориясининг дистрибутив хусусиятларига ҳам эътибор бериш керак. Агар кваликатив поссессив синтаксема ифодаланишида синтактик бирликлар артикл, олмошлар, адъектив элементлар билан бириқиб келганда поссессив синтаксемани ифодаловчи бирлик тобе компонентга таълуқли бўлса, кваликатив поссессив синтаксеманинг таянч компонентга тегишли бўлади. Уларни кўйидаги мисолда кўриш мумкин, яъни шуни қайд этиш жоизки, кваликатив поссессив синтаксемани ифодалайдиган элементлар жонли отлардан иборат.

Масалан:

1. Ноаниқ артикл таянч компонентга тегишли:

She wore a nurse's dress .

2. Аниқ артикл: The small mustache had a perfectly natural appearance, and that, with the stiff demeanor so uncharacteristic

of the natural Bobby, completed the disguise enhanced by the chauffer's livery .

3. артиклинг ишлатилмаган ҳолати:

She saw a figure in chauffer's dress .

4. эгалик олмоши билан:

Roger was there, and Sylvia- looking quite beautiful in her widow's Weeds .

5. Бир неча аниқловчилар билан:

Her face was totally obscured by a hideous bee-keeper's hat .

Ушбу ҳолатни исботлашда қаратқич келишигида посессивликни ифодалайдиган тобе компонентларни тушириб қолдириш трансформациясидан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

(1) she wore a nurse's dress → she wore a dress;

(2) The small mustache had a perfectly natural appearance, that completed the disguise enhanced by the chauffer's livery → The small mustache had a perfectly natural appearance, that completed the disguise enhanced by the livery;

(3) she saw a figure in chauffer's dress → she was a figure in dress;

(4) Roger was there, and Sylvia- looking quite beautiful in her widow's weeds → Roger was there, and Sylvia- looking quite beautiful in her weeds;

(5) Her face was totally obscured by a hideous bee -keeper's hat → Her face was totally obscured by a hideous hat.

Келтирилган ҳамма мисолларда посессив синтаксемани ифодалаган синтактик бирликлар от туркуми билан қаратқич келишигида таянч компонентлар ҳам от ёрдамида ушбу синтактик бирликлар таркибида иштирок этган. Посессив синтаксемани англатувчи элементлар таянч компонентларнинг маълум хусусиятларини англатади. Қаратқич келишиги ёрдамида ифодаланган бундай бирликлар ҳақида айрим тилшунослар мулоҳазаларига эътибор қаратсак, бундай бирикмалар “тасвирий” (descriptive genitive) ёки “таснифловчи” (classifying) [1], бошқалари эса бундай бирликлар мураккаб сўзларга яқинлашади [2].

Л.С.Бархударов эса қаратқич келишигида тобе компонент ўрнида адъективлашган (сифатлашган) ҳолат деб таъкидлайди.

Ишимизда таҳлил қилинган мисоллардан маълум бўлишича категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан квалификативликнинг бир парадигматик қаторида нокатегориал белгилар бир-биридан фарқланишини эксперимент методи ёрдамида яъни трансформация адъективизация (сифатлаш), вербализация (фелъга айлантириш), алмаштириш кабилар ёрдамида исботлаш мумкин.

Категориал белги квалификативлик доирасида квалификатив посессив, квалификатив посессив тотал, квалификатив посессив агентив, сифат (квалификатив) юклатилган квалификатив посессив, ҳолат (статив) юклатилган квалификатив посессив, квалификатив посессив атрибуцион синтаксемалар аниқланди.

REFERENCES

1. Onions C.J. An Advanced English syntax. London, 1965, 267 p.
2. Zandvoort R.W. A Handbook of English Grammar. Croningen, 1998. – 436 p.